

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХАЛЛОКОВ ФАРХОД КАРИМОВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН ВА ЭЛЕКТРОН БИЛАН НУРЛАНТИРИЛГАН $TlInS_2$
КРИСТАЛЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Халлоков Фарход Каримович

Легиранган ва электрон билан нурлантирилган TlInS_2
кристалларининг тузилиши ва хоссалари..... 3

Халлоков Фарход Каримович

Структура и свойства легированных и облученных электронами
кристаллов TlInS_2 23

Khallokov Farhod Karimovich

Structure and properties of doped and electron-irradiated TlInS_2
crystals..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХАЛЛОКОВ ФАРХОД КАРИМОВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН ВА ЭЛЕКТРОН БИЛАН НУРЛАНТИРИЛГАН $TlInS_2$
КРИСТАЛЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM364 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташметов Маннаб Юсупович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмеджанов Фарҳад Рашидович

физика-математика фанлари доктори, доцент

Муссаева Малика Анваровна

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871)289-31-41; факс (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-19.

Диссертация автореферати 2022 йил “__” _____ да тарқатилди.
(2022 йил “__” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Садиков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

О.Р.Тожибоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD,
катта илмий ходим

Э.М.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда бир нечта элементларни ўз ичига олган ва уларнинг хусусиятлари ҳамда хоссаларини бошқариш имконини берувчи янги истиқболли ярим ўтказгич материалларни тадқиқ қилишга қизиқиш ортиб бормоқда. $A^{III}B^{III}C^{VI}_2$ типдаги $TlInS_2$ монокристаллари ана шундай кўп компонентли $1.22 \div 2.56$ эВ оралиғида кенг зонали яримўтказгичлардан биридир. Бундай яримўтказгичнинг таркибини ўзгартириш электрофизик, фотоэлектрик, оптик ва бошқа хусусиятларни ўзгартиришга кенг имкон беради. Кенг зонали $TlInS_2$ яримўтказгичлари фотоэлектрик конверторлар, спектр анализаторлари ва радиация детекторларини ишлаб чиқариш учун истиқболлидир.

$TlInS_2$ яримўтказгичининг тақиқланган зоналари локал сатҳлар билан тўйинган ва хоссаларини бошқариш учун кристалнинг тақиқланган зонасидаги локал ҳолатларининг спектрлари тўғрисида тўлиқ маълумот зарур. Яримўтказгичли бирикмаларнинг хоссаларини мақсадли бошқаришда кенг фойдаланадиган хусусиятларидан бири – бу аралашмалар ва структуравий нуқсонларнинг “аҳамиятсиз” кичик микдордаги концентрацияси, шунингдек, турли хил ташқи таъсирларга сезгирлиги (ҳарорат, ёритилиш, нурланиш, деформация ва бошқаларга) ва уларнинг электрофизик ҳамда фотоэлектрик характеристикаларига, структурасига таъсиридир. Шунинг учун легирланган ва электрон билан нурлантирилган $TlInS_2$ кристалларининг тузилиши ҳамда хоссаларини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда детекторлар ва датчикларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган янги яримўтказгичли материалларни тадқиқ қилишга, илмий базани яратиш бўйича дунё миқёсидаги фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга ва замонавий ускуналарни ишлаб чиқаришда келгусида қўлланиладиган технологияларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш ва уни кенг амалда қўллаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу фундаментал тадқиқотларнинг йўналишлари 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида¹ ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда

¹ 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар ўта тоза ва ҳар хил киришмалар билан легирланган TlInS_2 монокристалларини синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилган. TlInS_2 кристалларининг структураси, спектроскопияси ва хоссалари дунё тадқиқот марказларининг етакчи олимлари, жумладан: япониялик (С.Кашида, Й.Кобояши, Р.Матсумото), исроиллик (А.М.Панич), германиялик (В.Хенкел), озарбайжонлик (К.Р.Аллабердиев, Г.Д.Хусейнов, Г.В.Абдуллаев, С.Н.Мустафаева, Н.Мамедов, В.Д.Рустамов, Е.М.Керимова, Е.М.Гожаев), украиналик (А.В.Гомоннаи, Ю.М.Азхнук, И.Петришейнц, О.О.Гомоннаи), белоруссиялик (А.У.Шелег, В.Г.Гуртовой), туркиялик (И.Гулер, Н.М.Гасанли), ўзбекистонлик (С.Н.Умаров, И.Нуритдинов) мутахассислар томонидан ўрганилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бу бирикмалар фотоэлектрон қурилмаларни яратиш учун истиқболли яримўтказгич материаллардир.

Ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар натижасида TlInS_2 кристаллининг структураси аниқланган ва унда гамма нурларининг юқори дозаларида юпқа сирт қатламида дастлабки моноклиник фазадан гексагонал фазага фазавий ўтиш топилган. TlInS_2 да олтингугурт атомларининг бир қисмига селен атомларини киритиш орқали $\text{A}^{\text{III}}\text{B}^{\text{III}}\text{C}_2^{\text{VI}}$ типдаги TlInSSe нинг структураси, фазавий диаграммаси, оптик хусусиятлари ва Раман спектроскопияси ўрганилган. $\text{TlInS}_{2-x}\text{Se}_{2(1-x)}$ да структурали фазавий ўтиш тадқиқ қилинган.

Бироқ тезлаштирилган электронларнинг TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) хоссаларига, сирт морфологиясига ва структурасига таъсири ўрганилмаган. Бундай тадқиқотлар кўп кизиқиш уйғотади, чунки электронларнинг модда билан ўзаро таъсири механизмлари гамма нурланиш билан ўзаро таъсир механизмидан фарқ қилади, бу эса бошқа структуралар ва хоссаларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) системалардаги структураларни, нуқсонларни ва электронлар билан нурлантиришининг физик жараёнлар хусусият ҳамда қонуниятларига таъсирини ўрганиш долзарб вазифадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сонли қарори асосида 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари дастури юзасидан “Легирланган монокристаллик

кремний ядро трансмутациясида радиацион-стимулланган жараёнлар” ва “Истикболли сцинтилляторлар ва диодли лазерларда қўлланиладиган кенг зонали оксидлар ҳамда фторид қаттиқ жисм материалларининг спектрал-люминисцент тавсифлари ва радиациявий фаоллаштирилган ходисалар” мавзулар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади легирланган ва электронлар билан нурлантирилган TlInS_2 кристалларининг структураси ҳамда хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

энергияси 2 МэВ ва турли флюенсли электронларнинг TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларнинг сирт морфологиясига таъсирини ўрганиш;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристаллар ҳамда поликристалларнинг структураларини рентген дифракцион фазавий таҳлил орқали аниқлаш;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалл ҳамда поликристалларнинг кристалл структураларига ва структура параметрларига турли флюенсдаги электронларнинг таъсирини ўрганиш;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$)ларда турли флюенсли электронлар таъсиридан олдин ҳамда кейин ёруғликнинг комбинацион сочилиши (Раман спектрлари)ни тадқиқ қилиш;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$)ларни турли флюенсли электронлар билан нурлантиришдан олдин ҳамда кейин кристаллитлар ўлчамлари ва дислокация зичликларини аниқлаш;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларнинг 2 МэВ энергияли ҳамда турли флюенсли электронлар таъсирида тақиқланган зоналарининг кенглигини ва микроқаттиқлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристаллари структураси ва хоссалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристалларининг кристалл тузилиши, морфологияси, хоссалари, Раман спектрларининг электронлар флюенсига боғлиқлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: рентген нурлари дифракцияси, тўлиқ профилли таҳлил (Ритвельд усулида), атом-куч ва электрон сканерлаш микроскопияси, Раман спектроскопияси, Виккерс микроқаттиқлиги ва оптик спектроскопия усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

энергияси 2 МэВ бўлган электронлар билан $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсда нурлантирилиш натижасида ва “радиациявий силкитиш” туфайли TlInS_2 монокристаллининг икки фазали (ф.г.Р6₃/mmc гексагонал ва ф.г.С2/с моноклин структура) ҳолатдан гексагонал структура эга бўлган бир фазали (ф.г.Р6₃/mmc) ҳолатга ўтиши аниқланган;

биринчи марта моноклин структурага эга $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалл ва поликристаллининг радиацияга чидамлилиги электронлар билан $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсгача нурлантириш орқали далилланган;

TlInS_2 даги индий атомларини хром атомлари билан қисман алмаштириш $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристаллида гексагонал структурага эга бўлган бир фазага ҳолатнинг шаклланишига ёрдам бериши ва бу структура эса $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсда электронлар билан нурлантирилганда сақланиши аниқланган;

биринчи марта TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларини $1.5 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсда электронлар билан нурлантирилгандан сўнг кристаллитлар ўлчамининг ошиши ҳамда дислокациялар зичлигининг камайиши ҳисобига, уларни микрокаттиқлигининг ошиши исботланган;

TlInS_2 монокристаллидаги олтингугурт атомларининг бир қисмини селен билан алмаштирилганда тақиқланган зона кенглигининг камайиши, индий атомларининг бир қисмини хром билан алмаштирилганда тақиқланган зона кенглигининг ортиши ҳамда TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларини $1.5 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсда электронлар билан нурлантирилганда эса атомлараро масофаларнинг ўзгариши туфайли тақиқланган зонанинг кенглигининг камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$1.5 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантириш таъсирида TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларнинг сиртга яқин қатлами мустаҳкамланганлиги кўрсатилган;

TlInS_2 монокристаллидаги олтингугурт атомларининг селен атомлари билан қисман алмаштирилиши $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) да моноклиник тузилишга эга бўлган бир фазага (ф.г. С2/с) ҳолатнинг ҳосил бўлишини рағбатлантириши аниқланган;

электронлар билан нурлантириш натижасида монокристаллнинг кристаллик даражасининг яхшиланиши аниқланган, бу намунани синтез қилиш жараёнида ҳосил бўлган нуқсонлар (дислокациялар, кучланиш) радиациявий тобланиши билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий юқори аниқликдаги қурилма ва асбоблардан ҳамда бир-бирини тўлдирувчи физик тажриба усуллар мажмуасидан фойдаланилганлик, натижаларнинг барқарорлиги, шунингдек, уларнинг мавжуд адабиёт маълумотлари ва умумий физик қонуниятларига мос келиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти тезлаштирилган электронларнинг TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристаллари тузилиши, сирт морфологияси ва хоссаларига таъсир қилиш қонуниятини аниқлашдан иборат бўлиб, бу уларни кенг зонали ярим ўтказгичларда радиация таъсирида, хусусан, юқори энергияли электронлар таъсирида нуқсонлар ҳосил бўлиши,

кристаллитлар ўлчамининг ва микроқаттиқликнинг ўзгариши, фаза ўтишлар ҳақидаги мавжуд назарияларни ривожлантириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электронлар билан нурлантирилганда $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалл ва поликристалл нурлантиришга чидамлилигини аниқлашдан иборат бўлиб, бу уларни фотоэлектрик конверторлар, спектр анализаторлари ва ионлаштирувчи нурланиш детекторлари, деформация ўлчагичлар ишлаб чиқариш учун истиқболли яримўтказгич материаллар сифатида тадбиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Легирланган ва электронлар билан нурлантирилган TlInS_2 кристалларининг тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлаш учун олинган натижаларга асосланиб:

TlInS_2 монокристаллида икки фазали ҳолатдан гексагонал структурага эга бўлган бир фазали ҳолатга ўтишга оид хулосалари Физика институтида қўлланилган (Озарбайжон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Физика институти 06.09.2022 йилдаги 029-08/479-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш полиморф ўзгаришларга мойил бўлган монокристалларнинг кристалл панжараси параметрларини аниқлаштиришга имкон берган;

электронлар билан нурлантирилганда аниқланган $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалл ва поликристаллининг моноклиник структурасининг радиацияга чидамлилиги Физика институти “Кристаллофизика” лабораториясининг режалаштирилган мавзуси доирасидаги тадқиқотларда қўлланилган (Озарбайжон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Физика институти 06.09.2022 йилдаги 029-08/479-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб яримўтказгичларнинг физик хоссалари уларнинг таркибига боғлиқлигини таҳлил қилишга хизмат қилган;

$\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0,01$) монокристаллида электронларнинг $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсгача нурлантиришда бир фазали барқарор гексагонал структуранинг юзага келиши Физика институтининг “Кристаллофизика” лабораториясининг режалаштирилган мавзуси бўйича тадқиқотлар доирасида қўлланилган (Озарбайжон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Физика институти 06.09.2022 йилдаги 029-08/479-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб яримўтказгичлар хоссаларининг киритмалар миқдорига боғлиқлигини таҳлил қилишга имкон берган;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ монокристаллари $1.5 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилгандан сўнг микроқаттиқлик белгиланган тартибда ўсиши Физика институтида қўлланилган (Озарбайжон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Физика институти 06.09.2022 йилдаги 029-08/479-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб яримўтказгичларнинг физик хоссалари уларнинг таркибига боғлиқлигини таҳлил қилишга ёрдам берган;

TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ монокристалларнинг легирланиши ҳамда $1.5 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантиришида TlInS_2

монокристаллида тақиқланган зона кенглигининг ўзгаришлари режалаштирилган “ $\text{TlGaS}(\text{Se})_2 - \text{Nd}_2\text{S}(\text{Se})_3$, $\text{TlInS}_2 - \text{TlInSe}_2$ системаларининг кристаллофизикаси ва уларга ноёб Ер элементларининг таъсири” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида фойдаланилган (Озарбайжон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Физика институти 06.09.2022 йилдаги 029-08/479-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб яримўтказгичларнинг физик хоссалари уларнинг таркиби ва киритмалар миқдорида боғлиқлигини таҳлил қилишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот асосий натижалари 4 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза ҳамда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 9 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шулардан, 2 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг асосланганилиги ёритилган, ўтказилган тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси белгиланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантирилган, илмий тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган тадқиқот объектлари, субъектлари ва усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, ишни синовдан ўтказиш, шунингдек, диссертациянинг кўлами ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “ $\text{A}^{\text{III}}\text{B}^{\text{III}}\text{C}_2^{\text{VI}}$ типдаги яримўтказгичли бирикмаларнинг структураси ва сирт морфологияси” деб номланган биринчи бобида TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристаллар структураси тизимида сирт топографияси ҳамда Раман спектроскопиясига оид адабиётлар таҳлили ҳақида умумий маълумот берилган. Боб охирида адабиётлардаги материални таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объектлари ва тажриба усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларини танлаш асослаб берилган, уларни олиш усули ҳақида маълумот берилган, қўлланилган тадқиқот усуллариининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Тезлаштирилган электронларнинг кристалларнинг структурасига ва хоссаларига таъсирини ўрганиш учун “Электроника У-003” электрон тезлатгичидан фойдаланилган. Намуналар ток оқимининг зичлиги 0.375 мкА/см^2 бўлган, $\sim 2 \text{ МэВ}$ энергияли тезлаштирилган электронлар билан нурлантирилган.

Структурани ўрганиш учун сирт топографияси ва кристалларнинг элементлар таркибини аниқлашда, электрон дисперсия спектроскопияси, сканерлаш электрон микроскопи (СЭМ) ва атом кучи микроскопи (АСМ), шунингдек, кристалли тузилиш ва фазали ўтишни ўрганиш учун рентген дифракцияси усули танланган.

FullProf дастури асосида Ритвельд усули ёрдамида рентген структуравий маълумотларни структуравий таҳлил қилиш ўрганилаётган намуналарнинг структураси тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумот олиш имконини берди.

Раман спектроскопияси ёрдамида монокристалларни ўрганиш молекуляр тебранишларнинг ўзгаришини аниқлашга ва таркибий тадқиқотларни тўлдиришга имкон берди. Оптик ютилиш спектрлари “Lambda 35” спектрофотометрида (Perkin Elmer) 190-1100 нм тўлқин узунлиги оралиғида, Тауц формуласи олинган:

$$(\alpha h\nu)^2 = A(h\nu - E_g) \quad (1)$$

бунда $E_g = hc/\lambda$ – оптикавий тақиқланган зона кенглиги, h – Планк доимийси ($6.626 \cdot 10^{-34} \text{ Дж} \cdot \text{с}$), c – ёруғлик тезлиги ($3 \cdot 10^8 \text{ м/с}$), λ – ютилган тўлқин узунлиги, α – ютилиш коэффициенти, $h\nu$ – тушаётган фотон энергияси, эВ да, A – полоса чети тиклиги доимийси.


Намуналарнинг микрокаттиклиги замонавий Micro-Vickers HVS-1000Z каттикликни ўлчаш қурилмаси ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг “**Электрон нурланишининг TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристаллари сирт қатлами, Раман спектри ва структурасига таъсирини ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида тезлаштирилган электронларнинг TlInS_2 , $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристалларида структура сиртига ҳамда Раман спектри ва тақиқланган зона кенглигига таъсири таҳлилининг натижалари келтирилган.


Дастлабки TlInS_2 монокристалли сиртини сканерловчи электрон микроскопда тадқиқ қилиш, профилнинг ўртача арифметик четланиши $R_a=19.8 \text{ нм}$, чўққисининг ўртача баландлиги $R_z=387.6 \text{ нм}$ эканлигини кўрсатди. 1-расмда TlInS_2 монокристалл (a) ва унинг айрим бўлимлари (b,c,d) рентгенограммаси кўрсатилган. Рентгенограмма таҳлили шуни кўрсатдики, дифрактограммадаги асосий рефлекслар гексагонал структураси (ф.г.Р6₃/mmc) бўлган, параметрлари $a=b=10 \text{ Å}$, $c=14.9218(5) \text{ Å}$ элементар ячейкага мос келади.

Бироқ рентгенограммада гексагонал структурага мос келувчи рефлекслар билан бирга (ф.г.Р6₃/mmc) интенсивлиги $2\Theta_B=17.7560^\circ$, $2\Theta_B=29.8560^\circ$, $2\Theta_B=42.2280^\circ$ ва $2\Theta_B=69.1250^\circ$ нисбатан кучсиз интенсивликка эга бўлган қўшимча рефлекслар мавжуд. Бажарилган ҳисоблашлар $2\Theta_B$

$=17.7560^\circ$, $2\Theta_B = 29.8560^\circ$, $2\Theta_B = 42.2280^\circ$ ва $2\Theta_B = 69.1250^\circ$ да рефлекслар моноклиник структурага мос келишини кўрсатди (ф.г.C2/c). Шундай қилиб, дастлабки TlInS_2 намунаси икки фазага бўлиб гексагонал (ф.г. $P6_3/mmc$) ва моноклин (ф.г.C2/c) элементар ячейкаларга эга (2-расм).



1-расм. TlInS_2 рентгенограммаси (a) ва (b,c,d) соҳада (ф.г.C2/c) моноклин фазадан рентгенограмма рефлекслари.




2-расм. (a) TlInS_2 нинг гексагонал (ф.г. $P6_3/mmc$) ва (b) моноклиник (ф.г.C2/c) кристалл тузилишлари.

Моноклин (ф.г.C2/c) ва гексагонал фазанинг (ф.г. $P6_3/mmc$) дастлабки TlInS_2 намунада мавжудлиги турли хил структураларнинг шаклланиши, намунанинг синтези ва совутиш режимига боғлиқлиги эҳтимолини кўрсатади. Структура ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш ҳамда структуранинг ташқи таъсирларга чидамлилигини аниқлаш учун кукунсимон TlInS_2 ўрганилди. 3a-расмда TlInS_2 кукунининг рентгенограммаси кўрсатилган.

Намуна структурасининг рентгенограммаси таҳлили элементар ячейка параметрлари: $a = 10.926 \text{ \AA}$; $b = 10.938 \text{ \AA}$; $c = 15.208 \text{ \AA}$ моноклин фазага (ф.г.C2/c) мос келишини кўрсатди. Кристаллитларнинг ўртача ўлчамларига мос келадиган рентген нурларининг когерент сочилиш соҳасининг ўлчами дифракцион рефлексларнинг кенглиги билан аниқланди. Бунинг учун Шеррер формуласи олинган:

$$D = K\lambda / (\beta \cos \theta) \quad (2)$$

бунда D – кристаллитларнинг ўртача ўлчами, K – геометрик коэффициент (0.9), λ – рентген нурланиш тўлкин узунлиги (1.5406 Å), β – ярим баландликдаги дифракцион рефлекс кенглиги (FWHM), θ – дифракция бурчаги.



3-расм. (а) Кукусимон TlInS_2 рентгенограммаси: I-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар; II-Брег рефлекслари; III-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар орасидаги фарқ ҳамда (b) дастлабки TlInS_2 намунасининг Раман спектрлари.

Кристаллитларнинг ўлчамларини ҳисоблаш учун $2\theta_B = 23.8327^\circ$ бўлган рефлекс танлаб олинди ва ярим баландликдаги тўла энининг қиймати (FWHM) ҳисобланди. Ҳисоблашлар дастлабки TlInS_2 кукунининг кристаллитлар ўртача ўлчами $d = 54.7$ нм эканлигини кўрсатди. TlInS_2 монокристаллининг Раман спектри (3b-расм) турли интенсивликдаги олти та чўққини ўз ичига олади.


Шуни айтиб ўтиш лозимки, 110 см^{-1} ва 136 см^{-1} чўққилар In ва S атомлари орасидаги қатламлараро боғланишга, 172 см^{-1} Tl ва S атомлари орасидаги қатламлараро боғланишга, 284 , 291 ва 344 см^{-1} чўққилар эса In_4S_{10} тетраэдрнинг молекулалари орасидаги тебранишларга мос келади.

Гауссианга мослаш усули билан энг интенсив чўққининг шакли ассиметриясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у 280 ва 290 см^{-1} бўлган иккита чўққидан иборат.

TlInS_2 кристалларининг хоссаларининг маълум бир киритма киритилганда ўзгаришини тадқиқ қилиш учун олтингугурт атомларининг бир қисми селен атомларига алмаштирилди. $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалл ва кукун намуналарининг рентгенограммалари 4-расмда кўрсатилган. Моноклин элементар ячейкаси параметрлари қуйидагича эканлиги аниқланган: $a = 1.1566$ нм, $b = 1.1223$ нм, $c = 1.5319$ нм. Кукусимон шаклидаги $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) рентген дифракцияси маълумотларини тўла профили усул билан қайта ишлаш шуни кўрсатадики, намунанинг, $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалли каби, моноклин элементар ячейкага (ф.г. $C2/c$) эга бўлиб, панжара параметрлари қуйидагича: $a = 1.1109$ нм, $b = 1.1126$ нм, $c = 1.535$ нм, экан.

Идеал ҳолатдаги кристалл панжаранинг бир хил позицияларида жойлашган S ва Se атомлари бир хил координаталарга эга. Бироқ


ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, S ва Se атомларининг координаталари фарқланади.



4-расм. Дастлабки $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристалл (a) ва кукунсимон (b) $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) рентгенограммалари: I-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар; II-Брегг рефлекслари; III-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар орасидаги фарқ.

Масалан, S(4) позицияларда жойлашган олтингугурт атомлари координаталари $x = 0.0344$, $y = 0.3415$, $z = 0.8576$ бўлса, шу позицияларда олтингугурт атомларининг ўрнига киритилган селен атомлари $x = 0.0344$, $y = 0.3415$, $z = 0.7985$ координаталарга эга.


S (5) ҳолатда олтингугурт атоми $z = 0.8742$ координатага эга бўлиб, Se атомининг координатаси $z = 0.7985$ га тенг ёки, S(8) атомининг координаталари $x = 0.0000$, $y = 0.4182$, $z = 0.7982$, Se атомлари эса $x = 0.0000$, $y = 0.4182$, $z = 0.8547$ координаталар билан характерланади. Дастлабки ҳисоблашлар кукунсимон намунада $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) кристаллитларининг ўртача ўлчамлари $d = 56.5$ нм эканлигини кўрсатди. Дастлабки $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) кристаллининг Раман спектроскопиясини ўрганиш натижалари 5-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, 186 cm^{-1} даги чўққи ассиметрик ва урта чўққидан иборат. Ҳисоблашлар чўққи маркази 186 cm^{-1} га тўғри келишини кўрсатди. Кристалл тебраниш частоталарини таққослаш шуни кўрсатадики, $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) кристалларда ўхшаш тебраниш гуруҳларининг тебраниш частоталари паст частотали йўналишда ўртача $10\text{-}15 \text{ cm}^{-1}$ га силжиши, бу атом оғирликлари ва ковалент радиусларнинг қийматлари ўзаро фарқ қилувчи S ионлари Se ионлари билан алмаштирилганда ички-молекуляр ҳамда молекулалараро боғланиш кучларининг ўзгаришини кўрсатади.



5-расм. Дастлабки $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) Раман спектри.

Зондли сканерловчи микроскопдаги ўлчашлар дастлабки кристалл $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) профилининг арифметик ўртача оғишининг максимал қиймати ($x=0.01$) $R_a=5.4$ нм, ўртача ғадир-будурлик баландлиги $R_z = 72.0$ нм эканлигини кўрсатди. Дастлабки монокристалл $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) рентгенограммаси 6a-расмда келтирилган. Рентгенограммага ишлов бериш (6a) расм) шуни кўрсатдики, дастлабки монокристалл гексагонал (ф.г.Р6₃/mmc) структура ва параметрлари $a= 3.958 \text{ \AA}$, $b= 3.958 \text{ \AA}$, $c= 14.922 \text{ \AA}$. эга экан.

Куқунсимон $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) рентгенограммасини ҳисоблашлар C2/c фазовий гуруҳга мансуб ва элементар ячейка параметрлари $a = 10.864 \text{ \AA}$, $b = 10.948 \text{ \AA}$, $c = 15.151 \text{ \AA}$ бўлган моноклин фаза мавжудлиги, шунингдек, дастлабки $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) куқун намунаси кристаллитлари ўртача ўлчами $d = 36.87$ нм эканлигини кўрсатди.



6-Расм. $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалл рентгенограммаси (a): I-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар; II-Брег рефлекслари; III-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар орасидаги фарқ ва (b) дастлабки $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) намунасининг Раман спектри.


$\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) дастлабки нурлантирилмаган намунанинг Раман сочилиш спектри 6b-расмда кўрсатилган. Тебраниш частоталарининг максимуми нурлантирилмаган TlInS_2 кристаллининг тебраниш частоталарига тўғри келади, бироқ легирланган намунанинг тебраниш интенсивликлари бироз кичикроқ ва чўққилари торроқ бўлади.

Тебраниш частоталари $<100 \text{ см}^{-1}$ соҳасида бир нечта янги паст частотали тебраниш чизиқлари кузатилади. Легирлангандаги индий атомлари ўрнига хром атомлари алмаштирилиши сабабли $<100 \text{ см}^{-1}$ соҳада, эҳтимол, Cr_4S_{10} тетраэдр ва Tl^+ ни CrS_2 ионлари билан боғлайдиган ион кучлари ўртасидаги алоқалар учун заиф ўзаро таъсирлар туфайли трансляция тебранишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Электронлар билан нурлантирилгандан ($2 \cdot 10^{17} \text{ эл/см}^2$ флюенсли) кейин TlInS_2 монокристаллининг сиртида профилнинг ўртача арифметик четланиши $R_a=48.1$ нм ни ташкил этди, чўққининг ўртача баландлиги – $R_z=694.4$ нм. $2 \cdot 10^{17} \text{ эл/см}^2$ флюенсли электронлар билан нурлантирилган TlInS_2 кристалларининг рентген тасвирларини рентгенографик тадқиқотлар гексагонал (ф.г.Р6₃/mmc) структурага мос рефлекслар мавжудлигини кўрсатди (расм.7 (a, b, c, d)) ва иккинчи фазада (ф.г.C2/c) рефлексларнинг йўқлиги дастлабки намунада топилган (расм.7 (d)). Рефлексларнинг катта

бурчакларга силжиши, $2\Theta_B = 11.9060^\circ$ билан биринчи рефлекснинг сезиларли даражада бузилиши ҳамда дастлабки намунага нисбатан рефлексларнинг интенсивлигининг ошиши кузатилди.

7-расм шуни кўрсатадики, нурлантирилган TlInS_2 да нафақат биринчи рефлекс (a) нинг бузилиши, балки $\text{Cu-K}_{\alpha 1}$ ва $\text{Cu-K}_{\alpha 2}$ нурланишининг (b, c) аниқроқ бўлиниши кузатилди.



7-расм. TlInS_2 нинг (a,b,c,d) соҳалардаги (кўк чизик) дастлабки ва (қизил нуқталар) $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилган рентгенограммалари.


Радацион ишловдан кейин чўққиларнинг шакли симметрик ҳамда тор бўлиб қолиши ва $2\Theta_B = 17.7560^\circ$ (Расм. 7(d)), $2\Theta_B = 29.8560^\circ$, $2\Theta_B = 42.2280^\circ$ ва $2\Theta_B = 69.1250^\circ$ да рефлекслар йўқлиги кўрсатилди. $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилган структуранинг таҳлили барча рефлексларнинг моноклин структурага (ф.г.C2/c) мос келишини кўрсатди. Бу шундан далолат берадики, электронлар билан нурлантириши кристаллликнинг ошишига ва намунанинг бир фазали ҳолатини шакллантиришга ёрдам беради. Кукунсимон TlInS_2 ни электронлар билан нурлантиришдан сўнг моноклин структураси (ф.г.C2/c) сақланиши ва кристаллитлар ўртача ўлчами 114.32 нм эканлиги аниқланди.

$2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилган TlInS_2 намунасида ўлчанган Раман спектрлари, дастлабки нурлантирилмаган намунада мавжуд бўлган олтита чўққининг интенсивлиги дастлабки намуналарга нисбатан пасайганлиги кўрсатилган (8-расм.).

Шунингдек, иккита чўққи марказлари (110 см^{-1} , 135 см^{-1}), намунадаги ўхшаш чўққилар билан солиштирганда, юқори частоталар (силжиши) соҳасига силжиди, 172 см^{-1} , 291 см^{-1} ва 344 см^{-1} чўққилар эса ўзгармайди, аммо 204 ва 224 см^{-1} да заиф интенсивлик билан янги чўққилар топилди.


Электронлар билан намуна нурлантирилганда Раман спектрлари интенсивлигининг пасайиши, боғланишнинг узилиши натижасида Раман сочилиши учун танлаш қоидаларини бузилиши ва материалнинг оптик хусусиятларини ўзгариши сабабли юз берган бўлиши мумкин ҳамда бу

кўзғатувчи тўлқин узунлигида ютилиш коэффицентининг ошишига олиб келиши мумкин. Натижада нурланиш соҳаси сиртида ғадир-будурлик пайдо бўлиши сочилишнинг кўпайишига ва нурнинг линзага тушмаслигига олиб келиши мумкин. Электрон билан нурлантирилган $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) монокристаллнинг рентген дифракциясини ўрганиш (расм.9а) дастлабки моноклин структуранинг (ф.г.C2/c) элементар ячейка параметрлари: $a=1.0969$ нм, $b=1.106$ нм, $c=1.5327$ нм ва $\beta=100.47^\circ$ сақланишини кўрсатади.



8-расм. $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилган TlInS_2 намунасининг Раман спектри.

Электрон билан нурлантирилган кукунсимон $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) рентген дифракцияси маълумотларининг таҳлили, намуна структураси моноклин бўлиб (ф.г.C2/c), параметрлари $a=1.1115$ нм, $b=1.1128$ нм, $c=1.5359$ нм ва $\beta=100.72^\circ$ (расм.9b) эга эканлигини кўрсатди. Мос позициялардаги S ва Se атомларининг координаталари бир хил.



9-расм. $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилган $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) рентгенограммалари: (a) монокристалл ва (b) кукунсимон намуна: I-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар; II-Брегг рефлекслари; III-экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар орасидаги фарқ.

Тегишли позициялардаги S ва Se атомларининг координаталари бир хил, аммо иссиқлик факторлари турлича. Модел ва тажриба маълумотларининг мослигини характерловчи қийматлар $R_B=2.78$, $R_F=2.05$ ҳамда $\chi^2=3.45$. Намунани $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантиригандан сўнг кристаллитнинг ўртача ўлчами $d=65$ нм гача ошди. Шундай қилиб, тадқиқот натижаларидан келиб чиқадики, S атомларининг бир қисмини Se атомлари билан алмаштирилиши моноклин структурага (ф.г.C2/c). эга бўлган бир фазага ҳолат ҳосил бўлишига ёрдам беради.

$2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронларнинг $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) сиртига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, намуна сиртида ғадир-будурлик янада кўпроқ бўлади, тепаликларнинг кенглиги ҳам, баландлиги ҳам ортди, профилнинг ўртача арифметик оғишининг максимал қиймати $R_a=25.2$ нм, ўртача ғадир-будурлик баландлиги $R_z=152.9$ нм.

Рентгенограмма ҳисоб-китоблари бўйича $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристалларни энергияси 2 МэВ ва $2 \cdot 10^{17}$ эл/см² флюенсли электронлар билан нурлантирилгандан сўнг панжара параметрлари $a=3.852$ Å, $b=3.852$ Å, $c=14.911$ Å ва $\alpha=90^\circ$, $\beta=90^\circ$, $\gamma=120^\circ$ ни ташкил этади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) монокристаллнинг элементар ячейкалари ҳажми электронлар билан нурлантирилгандан сўнг бироз камайган, яъни 0.01 мол% миқдорида Cr киритилиши TlInS_2 матричасининг кристалл панжараси параметрларига кучсиз таъсир қилади.

Дастлабки $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кукунсимон намунасининг кристаллитлар ўртача ўлчами $d=36.87$ нм ташкил этади. Намунани электронлар билан нурлантирилгандан сўнг эса кристаллитларнинг ўртача ўлчами $d=41.76$ нм гача ошди. $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) дан фарқли равишда $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристалларнинг электронлари билан нурлантирилганда Раман спектрлари ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди.

Шуни таъкидлаш керакки, $\text{TlInS}_x\text{Se}_{2-x}$ ($x=1$) ва $\text{TlIn}_{1-x}\text{Cr}_x\text{S}_2$ ($x=0.01$) кристалларни электронлар билан нурлантиришгача ҳамда нурлантиришдан сўнгги сирт морфологияси бўйича тажриба маълумотлари адабиётларда мавжуд эмас.


